

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

5520100 – "Иссиқлик энергетикаси"

бакалавр таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: БИНО ТАШҚИ ДЕВОРИГА ТУШАДИГАН ИССИҚЛИК
ҲИСОБИ ВА ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИ**

Рахбар:

(имзо)

Имомов Ш.Б.

Ишни бажарувчи:

(имзо)

Рахмонов З.

"Ҳимояга рухсат этилди"

Кафедра мудири:

_____ А.Ғ. Комилов
(имзо)

"Ҳимоя учун ДАКга юборилди"

Факультет декани:

_____ доц. А.И. Юсупов
(имзо)

" _____ " _____ 2014 йил

" _____ " _____ 2014 йил

ҚАРШИ – 2014 йил

КИРИШ.....	
I. АСОСИЙ ҚИСМ.....	
1 - БОБ. ЯШАШ БИНОСИ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК-ТЕХНИК ХИСОБИ.....	
1.1. Қашқадарё вилояти шароитида радиация ва метеорологик режимлар.....	
1.2. Яшаш биноси конструктив элементлари бўйича умумий маълумотлар.....	
1.2.1. Бино ташқи чегаравий тусиғининг иссиқлик-техник ҳисоби.....	
1.2.2. Иссиқликдан ҳимоя қатламли турар-жой биносининг санитар-гигиеник кўрсаткичлари.....	
1.3. Турар жой биносининг иссиқлик режими ҳисоби	
2 - БОБ. БИНО ТАШҚИ ДЕВОРИГА ТУШАДИГАН ИССИҚЛИК ХИСОБИ ВА ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ.....	
2.1. Бино ташқи деворларини иссиқлик-техник ҳисоблаш.....	
2.2. Бино томи конструкциясини иссиқлик-техник ҳисоблаш.....	
2.3. Бино дераза ва эшиклари жойлашган чегаравий қатламларини иссиқлик-техник ҳисоблаш.....	
2.4. Бино иссиқлик ҳимоя қатламларининг санитар-гигиеник кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	
II. АТРОФ – МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ.....	
III. ҲАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ.....	
IV. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	
ИЛОВАЛАР.....	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Саноат ва қишлоқ хўжалиги технологик жараёнлари, иситиш ва иссиқ сув таъминоти ҳамда ҳавони мўътадиллаш учун паст ва ўрта температурали иссиқлик ишлаб чиқариш қуёш энергиясидан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан биридир. Республика ёқилғи-энергетик баланси ҳисобидаги энергия миқдорининг 25% иситиш ва иссиқ сув таъминотида истеъмол қилинади. Шунингдек, республиканинг радиация-иқлим шароитида иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қуёш энергиясидан фойдаланиш техникавий ва иқтисодий нуктаи назардан энг самарали ҳисобланади.

Энг қулай иқлим шароитига эга бўлган жанубий минтақаларда уй-жой коммунал хўжалик соҳасида истеъмол қилинадиган умумий иссиқлик миқдорининг 20...25% иссиқлик таъминотида ишлатилади. Лекин иссиқ сув таъминотида қараганда иссиқлик таъминотида қўйиладиган талаблар анча юқори. Бундай омилларнинг кўрсатишича, қуёш энергияси тизимларидан иссиқлик таъминоти учун жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Индивидуал хўжаликлар ривожланиши билан қуёш қурилмаларига (автоном ва экологик тоза энергия манбаи сифатида) бўлган талаб ортиб боради. Қуёш қурилмалари коммунал-хўжаликларда, шахсий уйларда, маданий ва маиший хизмат ҳамда даволаш муассасаларида кенг қўлланилади. Шунинг билан бирга иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти даражаси аҳоли турмуш тарзини белгилайди ва инсонларнинг яшаш шароити яхшиланган сари иссиқлик ва иссиқ сув истеъмолига бўлган талаб ортиб боради. Анъанавий энергия манбаларидан ўзоқда жойлашган минтақаларда қуёш қурилмаларидан кенг фойдаланиш энергетик, экологик ва ижтимоий аҳамиятга эга.

Шу нуктаи назардан «Бино ташқи деворига тушадиган иссиқлик ҳисоби ва энергетик самарадорлиги» мавзудаги битирув малакавий иши долзарб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу ишнинг асосий мақсади Қашқадарё вилояти радиация ва иқлим шароитида қуёш иссиқлик таъминоти учун турар жой бинолари ташқи юзасига тушадиган табиий иссиқлик ва бино конструктив элементлари орқали иссиқлик юқотишларни ҳисоблаш ва мақбул ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Қуйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар бажарилган:**

1. Қашқадарё вилояти шароитида радиация ва температура режимларини ўрганиш.
2. Иситиш таъминоти учун қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.
3. Иситиладиган бино конструктив элементлари иссиқлик ҳисоби ва мақбул ечим ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Ишнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Автоном турар-жой биноларини иситишда табиий қуёш нурланиш энергиясидан максимал фойдаланиш даражасини аниқлаш натижалари.
2. Бино ташкилий элементларининг иссиқлик ҳисоби ва конструктив ечими ҳамда параметрларини танлаш натижалари.
3. Қашқадарё вилояти шароитида қуёш энергияси ёрдамида индивидуал, автоном уй-биноларни иситиш, лойиҳалаш – режалаштириш, архитектура ва қурилиш ишларида, иссиқлик ва намлик режимларини ҳисоблаш ишларида, ёқилғи ресурсларини тежаш ва экологик шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал қилишда келтирилган натижалардан фойдаланиш мумкин.
4. Бошқа иқлимий шароитларда бинолар иссиқлик-техник ва қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқишда келтирилган тавсифлардан фойдаланиш мумкин.

1 - БОБ. ЯШАШ БИНОСИ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ИССИҚЛИК-ТЕХНИК ХИСОБИ

1.1. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА РАДИАЦИЯ ВА МЕТЕОРОЛОГИК РЕЖИМЛАР

Ёқилғи - энергетик ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашда, Республиканинг иқтисодий ривожланиш дастурида ёқилғи - энергетик ва табиий ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, чиқиндисиз экологик тоза технологияларни жорий қилиш, минтақаларда хом ашёларни қайта ишлашнинг индивидуал ва фермер хўжаликларини ривожлантириш масалалари қуйилган.

Табиий имкониятлардан фойдаланишнинг доимий равишда ўсиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ҳамда чорвачиликда маҳсулдорликнинг ошиши, экологик муаммоларни ҳал этишда иқлим ва радиация имкониятларини ҳисобга олишни, ҳамда уларни тўғри баҳолашни талаб этади.

Турли иншоотларни лойиҳалашда, қуриш ва фойдаланишда, қишлоқ хўжалигини режалаштиришда қуёш радиацияси таъсирини ва метеорологик омилларни ҳисобга олиш зарурияти туғилади.

Қуёш атроф-муҳитни ифлослантirmайдиган "тоза" улкан энергия манбаидир. Ундан самарали фойдаланиш табиий бойлик имкониятларини сезиларли даражада тежашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси жанубий минтақасининг об-ҳаво ва иқлим шароитлари Қашқадарё вилоятида қуёш энергиясидан самарали фойдаланишда кенг имкониятлар яратади. Қуёш энергиясидан фойдаланиб, истеъмолчини иссиқлик, иссиқ сув, чучук ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуриштириш ва қурилиш материалларига термик ишлов бериш каби ва бошқа бир қанча муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Қурилиш, режалаштириш, лойиҳалаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, иссиқлик техникаси ва гелиотехника билан боғлиқ бўлган ҳар хил

масалаларни ечишда даставал радиация ва метеорологик маълумотларга эга бўлиш керак.

Қуёшдан нурланаётган энергияга қуёш радиацияси дейилади. Ерга тушган қуёш радиациясининг кўп қисми иссиқликка айланади, Ер ва атмосфера учун амалда ягона энергия манбаи бўлиб ҳисобланади.

Қуёшнинг нурланишини кўп қисми (95% дан юқори) яқин ултрабинафша ва кўринадиган ҳамда яқин инфрақизил нурларини ўз ичига олувчи оптик туйнук (0,29...2,4 мкм) деб аталувчи, соҳасига тўғри келади. Радиациянинг ултрабинафша нур улушига 5% гача, кўринувчи ёруғлик улушига 43...47% ва инфрақизил нур улушига 50% тўғри келади.

Оптик туйнук соҳада ер атмосфераси қуёш нурлари учун энг шаффоф бўлиб ҳисобланади (80%-га яқинини ўтказди). Нурланишнинг узок қисқатўлқинлари ва инфрақизил соҳалари атмосфера томонидан деярли тўлиқ ютилади.

Қуёшдан Ернинг ўртача масофасида, ер атмосферасининг юқори чегарасида, вақт бирлиги ичида қуёш нурларига перпендикуляр бўлган юза бирлигига тушувчи қуёш радиациясининг миқдори Қуёш доимийси $J_{\perp}$ деб аталади. Қуёш доимийсининг энг эҳтимоллик қиймати 1,368...1,377 кВт/м² ораликда тугалланган ва максимал сочилиши 1,332...1,428 кВт/м² ни ташкил этади. Радиация бўйича халқаро комиссиянинг тавсиясига биноан Қуёш доимийсининг стандарт қиймати сифатида $J_0=1,37$ кВт/м² қабул қилинган.

Қуёш радиациясининг Ер шари бўйлаб тақсимланиши ва унинг вақт мобайнида ўзгариши соф астрономик омиллар, яъни Ернинг Қуёш атрофида айланиши, орбита текислигига нисбатан Ер айланиш ўқининг оғиши ва Ернинг суткалик айланиши билан аниқланади.

Ер атмосферасининг юқори чегарасида горизонтал сиртга тушаётган қуёш радиацияси оқими инсоляция деб аталади ва қуйидагича ифодаланади:

$$J_z = J_0 \sinh ; \quad (1.1)$$

$$\text{бу ерда} \quad \sinh = \sin\varphi \sin\delta + \cos\varphi \cos\delta \cos\tau^o ; \quad (1.2)$$

$$\tau^o = \omega\tau ; \quad \omega = 2\pi / T ; \quad T = 24 \text{ соат} ; \quad (1.3)$$

τ - тушдан (куннинг ярмидан) ҳисобланадиган вақт.

Сутка мобайнида Ер атмосферасининг юқори чегарасида горизонтал сиртга тушувчи қуёш радиациясининг миқдори суткалик инсоляция деб аталади ва қуйидагича ифодаланади:

$$Q_{oz} = \int_{-\tau_o}^{+\tau_o} J_{oz} d\tau; \quad (1.4)$$

бу ерда $+\tau_o$, $-\tau_o$ - Қуёшнинг чиқиш ва ботиш вақти, бу катталиклар

$\sinh=0$ шарти билан аниқланади.

(1.2), (1.4) ифодалардан кўринадик, Q_{oz} нинг қиймати фақат жойнинг жугрофик кенглиги φ ва Қуёшнинг оғиш бурчаги δ га (йил фасллари) боғлиқ.

Сутка давомида Қуёшнинг оғиш бурчаги ва Қуёшдан Ер гача масофа жуда кам ўзгаради ва уларни ўзгармас деб олинса, у ҳолда Q_{oz} қийматлар қуйидагича аниқланади

$$Q_{oz} = \frac{T 3600}{\pi} J_o K_o \cos\varphi \cos\delta (\sin\tau - \tau \cos\tau); \quad (1.5)$$

$$K_o = 110,0335 \cos\left(\frac{360 N}{365}\right); \quad \delta = (23,45^\circ) \sin\gamma; \quad (1.6)$$

$$\gamma = \frac{360 (284 + N)}{365 \cdot 24}; \quad \tau = \arccos(-\tan\varphi \tan\delta). \quad (1.7)$$

Ер атмосферасининг юқори чегарасига тушадиган Қуёш радиацияси, атмосферага ўтиб сочилади ва қисман ютилади.

Тўғри радиация. Радиация балансида тўғри қуёш радиацияси асосий аҳамиятга эга. Тўғри қуёш радиацияси деганда, бевосита Қуёшдан параллел нурлар дастаси кўринишида сиртга тушаётган радиация тушунилади. Горизонтал сиртга тушаётган тўғри радиация оқими (1.1) га мувофиқ аниқланади:

$$S_z = S_{\perp} \sinh. \quad (1.8)$$

Ихтиёрий танланган қия сиртга тушаётган тўғри радиация оқими

$$S_{\kappa} = S_{\perp} \cos i; \quad (1.9)$$

$$\text{бу ерда} \quad \cos i = \cos\alpha \sinh + \sin\alpha \cosh \cos\psi; \quad \psi = \psi_o + \psi_{\kappa}; \quad (1.10)$$

$$\cos\psi_o = \frac{\sinh \sin \varphi - \sin \delta}{\cosh \cos \varphi} ; \quad \sin\psi_o = \frac{\cos \delta \sin \tau^\circ}{\cosh} . \quad (1.11)$$

Қуёшнинг ψ_o ва қия сиртнинг ψ_k азимутлари меридиан текислигидан бошлаб ҳисобланади ва жанубий нуқтадан соат мили йўналишида ҳисоблаганда мусбат бўлади.

1.1 – жадвалда Қашқадарё вилояти ($\varphi = 38 \dots 40^\circ$) ва Қарши шаҳри ($\varphi = 39^\circ$) учун тўғри қуёш радиацияси тушиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Сочилган радиация. Сочилган радиация деганда Қуёш радиациясининг атмосферада сочилишга учраган радиациясига айтилади. Вақт бирлиги ичида юза бирлигига тушадиган сочилган радиация миқдори сочилган ёки диффузияли радиация оқими деб аталади. Сочилган радиация тўғри радиациянинг сочилиши натижасида ҳосил бўлгани учун, у тўғри радиацияни аниқловчи омилларга боғлиқ бўлган катталиклар билан топилади

$$D_{\perp} = b (J_{\perp} - S_{\perp}) \sinh ; \quad D_z = b (J_z - S_z) \sinh . \quad (1.12)$$

Идеал атмосферада $b = 1/2$, реал шароитларда эса $b = 1/3$.

Қия сиртлар учун

$$D_k = D_z \cos^2(\alpha/2) . \quad (1.13)$$

Амалий ҳисоблашлар учун сочилган радиация худди изотроп (нурланиш йўналишига боғлиқ эмас) сифатида қабул қилинади.

Булутсиз очик осмонда сочилган радиациянинг тақсимланишини изотроп деб бўлмайди. Сочилган радиация интенсивлигининг максимуми осмон гумбазининг қуёшга қараган доирасида (70% гача), минимуми эса тескари доирасида (30% гача) кузатилади. Тўлиқ булутли ҳавода сочилган радиация изотроп тавсифларга эга бўлади. 1.2, 1.3 - жадвалларда ўртача бўлутлик шароитларда мумкин бўлган сочилган радиацияни тушиши келтирилган.

Қайтган радиация. Қайтган радиация йиғинди радиациянинг тўшама сиртидан қайтган қисмини тавсифлайди. Радиациянинг қайтган қисмини барча ўтган йиғинди радиацияга нисбати тўшама сиртнинг қайтариш қобиляти ёки **албедоси** деб аталади.

1.1-жадвал. МЖ/(м²сут)

Кенглик φ , град	Ойлар											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Горизонтал сиртга тушадиган тўғри радиация [29].												
Булуtsiz очик осмонда												
38	9,71	12,94	17,66	22,07	25,04	25,04	24,52	23,11	17,88	14,83	9,94	8,51
40	9,05	12,41	17,15	21,63	24,71	24,71	23,9	22,6	17,29	14,23	9,45	7,95
Ўртача булутли шароитда												
38	3,91	7,04	7,26	12,72	16,89	19,94	19,05	19,6	15,15	9,94	5,22	3,87
40	3,38	6,73	6,89	12	16,2	19,12	18,98	18,9	14,45	9,21	4,72	3,07
Осмон булуtsiz бўлганда ўртача куп йиллик жами тўғри радиация [21].												
Горизонтал сиртга												
38	9,88	13,02	17,71	22,19	25,12	25,13	23,49	21,18	18	14,65	10,72	8,5
40	9,08	12,43	17,16	21,6	24,7	25,53	23,86	21,9	18	13,77	9,75	7,7
Жанубга йўналган вертикал сиртларга												
38	19,72	18,21	15,41	10,42	6,53	4,27	4,69	7,41	11,97	16,58	18,8	18,97
40	19,47	18,63	15,78	11,01	6,91	4,86	5,48	8,54	12,68	16,54	18,09	18,46

1.2-жадвал. Горизонтал сиртга сочилган қуёш радиацияси тушиши мумкин бўлган интенсивлигининг қўп йиллик қийматлари, Қарши ш., кЖ/(м²соат).

τ , град	Ойлар ва кунлар											
	15/I	14/II	15/III	15/IV	15/V	15/VI	15/VII	15/VIII	15/IX	15/X	15/XI	15/XII
0	552	590	803	900	893	846	860	770	620	612	467	465
15	520	570	775	880	870	810	826	745	595	587	442	442
30	454	510	715	820	800	756	754	700	545	526	406	398
45	324	415	610	700	700	666	653	605	458	440	312	308
60	158	260	460	530	564	540	513	475	348	306	180	140
71	54											
74											54	
75		75	250	317	405	396	380	324	216	126		
88			31									
90				100	216	234	223	114				
92									43			
101								21				
105						61	43					
106					61							
Суткалик жами радиация, МЖ/(м ² сутка)												
	3,57	4,25	6,48	7,59	8,12	7,77	7,64	6,8	5,03	4,58	3,25	3,04

Албедо маълум бўлганда қайтган радиация қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$R = Q / A . \quad (1.14)$$

Албедонинг ўзи эса қуйидаги муносабатдан аниқланади

$$A = R / Q . \quad (1.15)$$

Албедо одатда фоизларда ифодаланади. Қайтган радиация ва албедо қуёш нурларининг тушиш бурчагига боғлиқ, шунинг учун тўғри радиация мавжуд бўлганда бу катталиклар яхши намоён бўладиган кунлик ўзгаришга эга. Сиртнинг албедоси унинг рангига, ғадир-будурлигига, намлигига ва булутлигига боғлиқ.

Йиғинди радиация. Йиғинди радиация асосий радиацияли тавсиф бўлиб ҳисобланади. У ҳақидаги маълумотлар истеъмолчиларда энг кўп ишлатилади. Йиғинди радиация оқими деб тўғри, сочилган ҳамда қайтган радиация оқимларининг йиғиндисига айтилади

$$Q_e = S_e + D_e + R_e ; \quad Q_{\perp} = S_{\perp} + D_{\perp} + R_{\perp} . \quad (1.16)$$

Қия сиртлар учун

$$Q_k = S_k + D_e \cos^2(\alpha/2) + R_e \sin^2(\alpha/2) . \quad (1.17)$$

Йиғинди радиация таркибидаги тўғри ва сочилган радиациялар орасидаги муносабат Қуёшнинг баландлигига, атмосферанинг булутлигига ва ифлосланганлигига боғлиқ. Осмон булутсиз пайтларда Қуёш баландлигининг ортиши билан сочилган радиация улуши камаяди. Атмосфера қанчалик тиниқ бўлса, сочилган радиация улуши шунчалик кам бўлади. Осмон ёппасига булут билан қопланганда эса йиғинди радиация бутунлай сочилган радиациядан иборат бўлиб қолади. Булутлик мавжуд бўлганда йиғинди радиация миқдорининг тушиши катта ораликда ўзгариб туради. Йиғинди радиациянинг энг кўп тушиши булутсиз очиқ осмонда кузатилади. Тикроқ ($\alpha = 30^\circ$ дан кўп) сиртлардан ташқари барча сиртлар учун сочилган ва қайтган радиациянинг суткалик миқдори амалда горизонтал сиртлар учун сочилган ва қайтган радиация миқдорларининг йиғиндисига тенг. Бу нарсa шу билан боғлиқки, қия сиртга сочилган радиация тушишининг камайиши қайтган радиациянинг келиши билан деарли тўлиқ қопланади. Амалий ҳисоблашларда қайтган радиация эътиборга олинмайди. 1.3, 1.5 – жадвалларда йиғинди радиация тушишининг мумкин бўлган қийматлари келтирилган.

1.3-жадвал. Ўртача булутлик бўлганда қуёш радиацияси тушиши [22],
маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, кўп йиллик ўртача қийматлари, Қарши ш.,
МЖ/(м²кун).

τ , град		Ойлар ва кунлар											
		15/I	14/II	15/III	15/IV	15/V	15/VI	15/VII	15/VIII	15/IX	15/X	15/XI	15/XII
$S_{\perp}$	мин	10,41	11,83	12,1	16,06	23,45	29,47	28,52	28,07	24,06	18,99	12,3	9,78
	мак	11,35	16,6	14,67	18,52	25,07	30,45	29,33	29,26	25,34	21,16	13,45	9,85
	ўрт	10,88	12,72	13,38	17,29	24,26	29,99	28,92	28,67	24,7	20,08	12,87	9,81
S_r	мин	3,99	5,66	6,89	10,54	16,02	20,32	20	19,2	14,93	9,78	5,27	3,56
	мак	4,87	6,47	8,51	11,17	16,56	21,09	20,48	20,53	16,08	11,63	6,08	3,91
	ўрт	4,37	6,06	7,73	10,82	16,35	20,74	20,3	19,76	15,38	10,38	5,72	3,68
D_r	мин	3,38	3,97	6,22	6,98	7,7	7,38	7,43	6,69	4,73	4,19	2,97	2,79
	мак	3,78	4,56	6,6	8,45	8,53	8,09	7,82	7,12	5,61	5,31	3,58	3,49
	ўрт	3,57	4,26	6,48	7,59	8,12	7,7	7,62	6,79	4,96	4,59	3,26	3,04
R_r	ўрт	2,03	2,86	3,25	4,48	5,82	6,44	6,5	6,5	6,4	3,5	2,1	1,49
Q_r	мин	7,77	10,22	13,58	18,85	24,26	28,42	27,71	26,33	20,81	15,08	8,85	7,05
	мак	8,65	11,61	15,68	19,55	24,87	29,05	28,11	26,82	21,23	15,92	9,87	7,4
	ўрт	8,18	10,95	14,62	19,13	24,49	28,7	27,89	26,56	21,09	15,5	9,46	7,21

1.4-жадвал. Ўртача булутлик бўлган шароитда сиртнинг ўртача ойлик
албедоси қийматлари, %

Кенглик φ , град	$\square$	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
38	35	26	25	25	24	24	24	24	24	22	25	24	25
40	35	38	31	26	24	24	25	26	27	28	29	30	34
40	29	30	27	25	24	24	24	25	26	27	27	27	27

1.5-жадвал. Йиғинди радиация, МЖ/(м² сут)

Кенглик φ , град	□	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Осмон булутсиз бўлганда													
40	29	11,2	15,7	20,93	26,51	29,3	30,84	29,3	27,21	20,93	17,16	11,75	9,72
Осмон булутли бўлган шароитда													
40	29	6,75	10,76	13,1	18,98	24,31	26,79	25,79	25,54	19,18	13,39	7,7	5,86
38	35	8,37	11,36	15,13	20,51	25,66	28,36	28,09	26,52	21,07	16,05	9,86	7,81
40	35	7,29	10,76	14,58	20,1	25,12	28,3	27,14	26,1	19,58	14,79	8,37	6,28


Қуёш радиациясини ҳисоблаш формулалари ва коэффицентлари

Тўғри ва сочилган радиацияни тушиш интенсивлигининг суткалик ўзгариши, туш вақтида максимумга эга бўлган жуда аниқ парабола билан тасвирланади (1.1-расм). Шунинг учун ҳисоблашларда қуёш радиациясини тушиш интенсивлигининг суткалик ўзгаришини даражали муносабатлар орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

$$S_{\perp} = S_0 + a \tau^6; \quad D_{\perp} = D_0 + a \tau^6; \quad (1.18)$$

бу ерда $0 < \tau < \tau_0$.

Қуёш радиацияси тушиши интенсивлигининг суткалик ўзгаришини кўп йиллик ўртача катталикларига асосланган ҳолда Қарши шаҳри учун a - коэффицент ва τ_0 - даража кўрсаткичларининг эмперик қийматлари аниқланган. 1.6, 1.7 –жадвалларда тўғри ва сочилган радиациялар учун a ва τ_0 катталикларнинг қийматлари келтирилган.



1.1-расм. Қуёш радиацияси тушиши мумкин бўлган интенсивликнинг суткалик ўзгариши, Қарши ш. 1- $s_{\perp}$ (15/VI), 2- $s_{\perp}$ (15/I), 3- D (15/VI), 4- D (15/I)

1.6 - жадвал. Нурларга перпендикуляр сиртга тўғри қуёш радиациясининг тушиши мумкин бўлган интенсивлигини ҳисоблаш учун $s_{\perp} = s_0 + a \tau^{\epsilon}$ ифодадаги a - коэффициент ва ϵ - даража кўрсаткичларнинг эмперик қийматлари, Қарши шаҳри учун.

Кун, ой	s_0 , Вт/м ²	a	ϵ	$\pm \Delta x, \%$
15/I	484	-322	1,82	2
14/II	514	-285	1,85	2
15/III	519	-261	1,68	3
15/IV	571	-220	1,83	3
15/V	717	-203	2,1	3
15/VI	844	-221	2,06	3
15/VII	828	-226	2,05	2
15/VIII	814	-212	2,18	3
15/IX	750	-198	2,67	3
15/X	681	-246	2,47	3
15/XI	514	-283	2,05	3
15/XII	449	-316	1,99	3

1.7-Жадвал. Сочилган радиациянинг тушиши мумкин бўлган интенсивлигини ҳисоблаш учун $D_{\perp} = D_0 + a \tau^{\epsilon}$ ифодадаги a -коэффициент ва ϵ -даража кўрсаткичларининг эмперик қийматлари, Қарши шаҳри.

Кун, ой	D_0 , Вт/м ²	a	ϵ	$\pm \Delta x, \%$
15/I	153	-100	1,95	1
14/II	164	-82	2,07	2
15/III	223	-87	2,1	2
15/IV	250	-92	2,08	1
15/V	248	-83	1,82	2
15/VI	235	-78	1,72	2
15/VII	239	-85	1,62	2
15/VIII	214	-74	1,89	1
15/IX	172	-69	1,82	2
15/X	170	-78	2,05	2
15/XI	130	-73	2,15	1
15/XII	129	-81	2,37	2

Қуёш энергияси тушишининг ҳисобини олиш вақт ўтиши билан қуёш радиацияси тушишини аниқлашдан иборат ва одатда чегараланган Фурье қатори кўринишида ифодаланади [5,6]:

$$Q(\tau) = Q_0 + \sum_{i=1} Q_{i1} \cos \omega\tau + \sum_{i=1} Q_{i2} \sin \omega\tau \quad (1.19)$$

Қуёш радиациясининг суткалик табиий ўзгариши узлукли тавсифга эга бўлиб кундузи синусоидал ўзгаради, кечаси эса оралиқлар билан узилади. Шунинг учун қуёш радиацияси ўзгаришини “кесик гармоника” кўринишида тасвирлаш мумкин. Кесиклик даражаси қуёшнинг оғиши билан аниқланади. Тригонометрик полиномдаги 6 та гармоникалар билан чегараланиб [6], хатолиги $\pm 5\%$ дан кам бўладиган, қуёш радиацияси оқимини ҳисоблаш учун ифодани ҳосил қиламиз.

1.7-жадвалда Қарши шаҳри учун кўп йиллик ўртача йиғинди радиацияни тушиш интенсивлиги бўйича маълумотларга асосланган ҳолда аниқланган полином

$$Q_{\perp}(\tau) = Q_0 + Q_1 \cos \omega\tau + Q_2 \sin \omega\tau + Q_3 \cos 2\omega\tau + Q_4 \sin 2\omega\tau + Q_5 \cos 3\omega\tau + Q_6 \sin 3\omega\tau \quad (1.20)$$

учун коэффицентларнинг қийматлари келтирилган.

Фотосинтетик актив радиация (ФАР) муҳим агроиклим параметрларидан бири ҳисобланади, у қишлоқ хўжалик экинларининг унумдорлиги ва сифати назарий ва амалий моделларининг таркибий қисмига киради. Турли хил рельефларнинг агроиклим имкониятларини баҳолаш учун кундузги жами ФАР ҳақида маълумотлар деярли йўқ. [23] га асосан актиноиклим ҳисоблашларда қисқатўлқинли радиация (ҚТР)дан ФАРга ўтиш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади

$$\sum S_{\text{фар}} = C_s \sum S, \sum D_{\text{фар}} = C_d \sum D, \sum Q_{\text{фар}} = C_q \sum Q \quad (1.21)$$

C_s, C_d, C_q - ҚТРдан ФАРга ўтиш коэффицентлари.

Ҳисоблаш ва амалий усуллар асосида ўтиш коэффицентларининг қийматлари аниқланган [23]: $C_s=0,43, C_d=0,57$.

Нурларга перпендикуляр сиртга йиғинди радиациянинг тушиши мумкин бўлган интенсивлигини ҳисоблаш учун $Q_{\perp}(\tau) = Q_0 + Q_1 \cos \omega\tau + Q_2 \sin \omega\tau + Q_3 \cos 2\omega\tau + Q_4 \sin 2\omega\tau + Q_5 \cos 3\omega\tau + Q_6 \sin 3\omega\tau$ полином коэффицентларининг қийматлари, Қарши шаҳри учун

1.8 - жадвал

Кун, ой	Q_0	Q_1	Q_2	Q_3	Q_4	Q_5	Q_6	
15/I	164,28	-278,74	161,68	-47,19	-36,34	42,89	-19,34	
14/II	196,32	-320,45	160,69	-25,16	-41,78	42,69	-10,31	
15/III	231,53	-364,41	157,06	-4,32	-47,51	41,67	-1,77	
15/IV	288,1	-427,87	141,73	25,12	-55,79	37,6	10,29	
15/V	372,71	-524,11	124,21	59,24	-68,34	32,95	24,28	
15/VI	436,28	-589,35	110,95	67,3	-76,84	29,43	27,58	1.3- расмга қаранг
15/VII	423,28	-577,71	115,77	64,98	-75,33	30,71	26,63	
15/VIII	404,73	-565,37	126,21	70,92	-73,72	33,48	29,07	
15/IX	344,45	-501,1	142,07	56,38	-65,34	37,69	23,11	
15/X	285,47	-441,78	172,24	20,53	-57,6	45,64	8,41	
15/XI	182,14	-303,69	163,25	-30,99	-39,6	43,31	-12,7	
15/XII	148,84	-253,76	149,78	-46,09	-33,09	39,73	-18,89	1.3- расмга қаранг

Горизонтал сирт учун кунлик жами йиғинди радиациянинг фитоактиноиклим ҳисоблашларини қуйидаги формула билан бажариш мумкин

$$\sum Q_{\perp \text{ фар}} = 0,43 \sum S_{\perp} + 0,57 \sum D = 0,5 \sum Q \quad (1.22)$$

[23] га асосан қиялик сиртлар учун

$$\sum Q_{\text{фар}} = 0,5 \left(\sum S_{\text{н}} + \cos^2 \frac{\alpha}{2} \sum D + \sin^2 \frac{\alpha}{2} \sum R \right). \quad (1.23)$$

Қиялик сиртлар учун ўртача кунлик ва ойлик жами қуёш радиациясининг ҳисоблашларини соддалаштириш мақсадида қайта ҳисоблаш коэффицентларидан кенг фойдаланилади. Реал булутликда ва атмосферанинг тиниқлигида ўртача жами радиацияни ҳисоблашларда сочилган ва қайтган радиацияларнинг анизотроплигини ҳисобга олмаслик учун катта бўлмаган хатоликни беради [23].

1.2. ЯШАШ БИНОСИ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.2.1. БИНО ТАШҚИ ЧЕГАРАВИЙ ТУСИҒИНИНГ ИССИҚЛИК- ТЕХНИК ХИСОБИ

Бажарилаётган битирув малакавий иши келгусида уй-жой қурилиш соҳасида ташқи тусиқларнинг иссиқлик-техник ҳисоби, конструктив ва инженерлик ечимларини техник ва иқтисодий талаблар даражасида ечиш учун хизмат қилади.

1. *Бино қурилиш ҳудуди* – Қашқадарё вилояти ҳудудидаги якка тартибдаги қишлоқ аҳоли турар-жой биноси мисолида.

1. *Бино характеристикаси:*

1.1. Бино номи – якка тартибдаги, коттедж типдаги яшаш биноси.

1.2. Бошқа параметрлари 1.8-жадвалда келтирилган.

1.3. Қиш вақтида бинонинг ҳисобий қийматлари [4, 1.8-жадвал]:

- турур жой бинолари, мактаб ва бошқа жамоат бинолари учун:

$$t_{ext} \geq -3^{\circ}\text{C} \text{ да } t_{int}=20 + 2^{\circ}\text{C}, \quad \varphi_{int} = 55 + 5\% ;$$

$$t_{ext} \leq -3^{\circ}\text{C} \text{ да } t_{int}=21 + 2^{\circ}\text{C};$$

1.4. Ташқи чегаравий тусиқ учун қурилиш материаллари иссиқлик техник характеристикалари (λ , s , μ) 1- иловадан аниқланади [5, 1-илова].

2. *Қурилиш ҳудуди (Қашқадарё вилояти ҳудуди)нинг иқлимий характеристикаси* [6, 1,1-1,6-жадваллар]:

- совуқ беш кунлик асосида олинадиган ташқи ҳаво ҳарорати t_{ext}^5 (қоплаш коэффициенти 0,92);

- иситиш даврининг давомийлиги z_{ht} , ва ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати t_{ht} , $^{\circ}\text{C}$ [6,] мос равишда шаҳар ва аҳоли пунктлари учун;

- совуқ ой учун ўртача ҳарорат t_{ext}^I , $^{\circ}\text{C}$;

- совуқ ой учун ўртача нисбий намлик φ_{ext}^I , %;

- январ ойи учун шамол тезлиги v_{ext} .

Қиздириладиган бинонинг ташқи тусиқларнинг иссиқлик – техник ҳисобида тусиқларнинг иссиқлик ўтказиш қаршилигини аниқлаш керак. Қўп қаватли тусиқларнинг умумий иссиқлик ўтказиш қаршилиги қуйидаги формула билан аниқланади

$$R_0 = R_v + R_1 + R_2 + R_{вп} + R_3 + \dots + R_n, \quad (1.24)$$

Бу ерда R_v, R_n – мос равишда ички ва ташқи юзаларнинг иссиқликни ўзлаштириш ва иссиқлик бериш қаршилиги, $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$ (1.9-жадвал);

R_1, R_2, R_3 – тусиқ қатламларининг аълоҳида термик қаршилиги, $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$; $R_{вп}$ – туташ ҳаво қатламининг термик қаршилиги, $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$ (1.10-жадвал).

1.9-жадвал. Иссиқлик ўзлаштириш α_v , иссиқлик бериш α_n коэффициентлари ва ички ва ташқи тусиқларнинг иссиқлик ўзлаштириш қаршиликлари R_v, R_n

Майдон характеристикаси	$\alpha, \text{Вт}/\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}$	$R, \text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт}$
Ички юза		
Девор, пол, потолокларнинг ички юзалари	0,7	0,15
Қовурғаси олдинга чиққан потолок $h/a > 0,3$	7,6	0,18
Ташқи юза		
Ташқи деворлар, чердаксиз қопламаларнинг бевосита ташқи ҳавога тегиб турган юзаси	20	0,06
Бевосита ташқи ҳавога тегмай турган юза: подвал ва пол остидаги чиқиш чердаги юзаси	12	0,116
	5	0,23

1.10-жадвал. Туташ ҳаво қатламининг термик қаршилиги $R_{вп}$

Қатлам қалинлиги, мм	$R_{вп}, \text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$			
	Иссиқлик оқимларидаги горизонтал қатлам учун:			
	Вертикал қатлам учун, пастки-юқори		Пастки-юқори	
	ёзда	қишда	ёзда	қишда
10	0,13	0,15	0,14	0,15
20	0,14	0,15	0,15	0,19
30	0,14	0,16	0,16	0,21
50	0,14	0,17	0,17	0,22
100	0,15	0,18	0,18	0,23
150	0,15	0,18	0,19	0,24
200-300	0,15	0,19	0,19	0,24

Аълохида бир жинсли тусиқларнинг термик қаршилиги $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С}/\text{Вт}$ қуйидаги формула орқали аниқланади

$$R_N = \delta / \epsilon \lambda, \quad (1.25)$$

Бу ерда δ – материал қаватининг қалинлиги, мм;

ϵ – ташқи чегаравий тусиқнинг изоляция сифати (ташқи девор, совук утказмас материал, минерал плиталар учун $\epsilon = 1,2$; тусиқлар, ҳажмий массаси 400 кг/м^3 бўлган иссиқлик изоляцион материаллар учун $\epsilon = 1,1$ ва бошқа барча ташқи тусиқлар учун $\epsilon = 1$);

λ – иссиқлик утказувчанлик коэффициенти $\text{Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{С})$;

γ – материалнинг ҳажмий массаси, $\text{кг} / \text{м}^3$.

Ташқи тусиқларнинг умумий қаршилиги R_0 ($\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С}/\text{Вт}$) талаб қилинган иссиқлик техник нормадан R_0^{Tp} кам бўлмаслиги керак ва қуйидаги формула билан ҳисобланади

$$R_0^{Tp} = \frac{(t_e - t_n)^n}{\Delta t^n} R_e, \quad (1.26)$$

Бу ерда t_e, t_n – мос равишда ички ва ташқи ҳароратлар, $^\circ\text{С}$;

Δt^n – ҳарорат нормаси;

n – ташқи тусиқ юзаси ҳолатига боғлиқ коэффициенти.

Ташқи чегаравий тусиқнинг қабул қилинган қурилиш конструкцияси ҳар доим унча катта бўлмаган иссиқлик утказиш қаршилиги запасига эга бўлиши керак.

Бинонинг ташқи тусиқлари орқали иссиқлик юқотишлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади

$$Q = F \cdot k \cdot h_t \cdot \Delta t, \quad (1.27)$$

бу ерда F – чегаравий тусиқ майдони, м^2 ;

k – ташқи чегаравий тусиқ иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{С})$, $k = 1/R_0$,

Δt – температуралар фарқи ($t_e - t_n$), $^\circ\text{С}$;

h_t – температуралар фарқи тузатма коэффициенти.

Қишлоқ турар жойлари учун ташқи чегаравий майдон қуйидаги факторларга асосан ўлчанади:

1) девор бурчаклари орасидаги ташқи периметр планига асосан ташқи девор майдони ўлчанади;

2) эшик ва дераза ўринлари ўлчанади.

Ташқи чегаравий тусиқларни танлаш қулай бўлиши учун навбатдаги иссиқлик юқотиш ҳисоби ҳамда ташқи чегаравий тусиқлар учун зарур иссиқлик-техник ва конструктив маълумотлар 1.11-1.12 жадвалларда келтирилган.

1.11-жадвал. Эшик ва дераза ўрни учун R_0 ва $1/R_0$ ларнинг қиймати

Конструкцияси	Ойналар орасидаги масофа, мм	R_0 , $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C} / \text{Вт}$	$1/R_0$, $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}$
Бир муқовалаш:			
Бир ойнали		0,18	5,8
Икки ойнали	35-25	0,39	2,9
Икки муқовалаш:			
Икки қаватли ойна ораси	150-75	0,37	2,7
Қушалок икки ойнали	60-30	0,39	2,9
Бир қаватли ойнадан эшик	-	0,15	6,4
Икки қаватли ойнадан эшик	-	0,27	3,7
Бир қаватли ёғоч дарвоза ва ташқи эшиклар	-	0,21	4,6
Икки қаватли ёғоч дарвоза ва ташқи эшиклар	-	0,43	2,3

1.12 - жадвал. Қушимча иссиқлик юқотиш

Турар жой ва биноси	Тусиқлар орқали қушимча иссиқлик юқотиш	Қушимча иссиқлик юқотиш, %
Исталган шароитдаги бинолар	Вертикал ва қия ташқи тусиқлар (деворлар, эшик ва нур қабул қилгичлар), томонлар: шимол, шарқ, шимолий-шарқ ва шимолий-ғарб	10
	Жанубий шарқ ва ғарб	5
	Шамолнинг ўртача тезлиги 5 м/с бўлган жойларда бинонинг вертикал ва ташқи тусиқлар:	
	Шамолдан ҳимояланган	5
	Шамолдан ҳимояланмаган очик жойлар;	10
Икки ва ундан ортиқ қаватли деворлар	Ташқи девор ва ойна	5

Аълохида пол зонаси орқали иссиқлик юқотилиши

$$Q_n = F_n \frac{1}{R_n} (t_s - t_n), \quad (1.28)$$

бу ерда F_n – шу зона майдони, m^2 ; R_n – шу зонадаги пол конструкциясининг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги, $m^2 \cdot ^\circ C / Вт$. Пол конструкциясининг иссиқлик ўтказувчанлиги қаршилиги:

а) ҳимояланмаган пол учун (1.12-жадвал).

1.12-жадвал. Ҳимояланмаган пол конструкцияси учун иссиқлик ўтказувчанлик қаршилиги

Зоналар номери	$R_{н.п}$, $m^2 \cdot ^\circ C / Вт$	$1/R_{н.п}$, $Вт/(m^2 \cdot ^\circ C)$
Биринчи	2,15	0,46
Иккинчи	4,3	0,23
Учинчи	8,6	0,12
Туртинчи	14,2	0,069

б) ҳимояланган пол учун ($m^2 \cdot ^\circ C / Вт$)

$$R_{y.n} = R_{n.n} + \sum \frac{\sigma_{y.c}}{\lambda_{y.c}}, \quad (1.29)$$

бу ерда $\sigma_{y.c}$ – ҳимоя қатлами қалинлиги, м; $\lambda_{y.c}$ – ҳимоя қатлами иссиқлик ўтказувчанлиги коэффиценти, $Вт/(m^2 \cdot ^\circ C)$

в) лагдаги пол учун ($m^2 \cdot ^\circ C / Вт$)

$$R_n = \frac{1}{0,85} R_{y.n}. \quad (1.30)$$

Иссиқлик ўтказувчанлик ҳисобидан олинган натижалар 1.13-жадвалда келтирилган.

1.13-жадвал

№ п.п.	Бинонинг номланиши	Тусиқлар номи	Ёруғ томон ориентацияси	Тусиқ размер $a \times b$	Тусиқ майдони F , m^2
1	2	3	4	5	6

2.5-жадвал давоми

Ҳароратлар фарқи	Ҳароратлар фарқи тузатма коэффиценти	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффицент k , $Вт/(m^2 \cdot ^\circ C)$	Иссиқлик юқотиш Q , Вт	Қушимча иссиқлик юқотиш, Вт	Умумий иссиқлик юқотиш $\sum Q$, Вт
7	8	9	10	11	12

Бир жинсли ясси деворнинг иссиқлик – техник хисоби

1. Бинонинг намлик режимини t_{int} ва φ_{int} га 1.14-жадвалга асосан аниқлаймиз [4].

1.14 – жадвал. Бинонинг намлик режими

Бинонинг намлик режими	$t_{int}, ^\circ\text{C}$ ҳароатда ички ҳаво намлиги $\varphi_{int} \%$		
	12 гача	12 дан 24 гача	24 дан юқори
Қуруқ	60 гача	50 гача	40 гача
Ўртача	60 дан 75 гача	50 дан 60 гача	40 дан 50 гача
Нам	75 дан юқори	60 дан 75 гача	50 дан 60 гача
Ҳул	-	75 дан юқори	60 дан юқори

2. Қурилиш материалларининг ва қоплаш материалларининг иссиқлик техник кўрсаткичларини аниқлаш λ , s , μ фойдаланиш шароитига боғлиқ равишда 1- иловадан аниқланади [5].

3. Иситиш даври учун градус-соат катталигини аниқлаймиз $Dd, ^\circ\text{C} \cdot \text{сум}$:

$$Dd = (t_{int} - t_{ht}) \cdot z_{ht} \cdot \quad (1.31)$$

4. Ташқи тусиқлар конструкцияси иссиқлик ўзатиш қаршилигининг нормал қиймати қуйидагича аниқланади $R_{reg}, \frac{\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}}{\text{Вт}}$:

$$R_{reg} = a \cdot Dd + b, \quad (1.32)$$

бу ерда a, b – бино гуруҳига мос 1.15 -жадвалдан олинadиган сонли коэффициентлар [4].

5. Ҳар бир ташқи тусиқ қаватининг термик қаршилиги $R_i, \frac{\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}}{\text{Вт}}$:

$$R_i = \frac{\delta_i}{\lambda_i}, \quad (1.33)$$

бу ерда δ_i – қатлам қалинлиги, м;

λ_i – иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\frac{\text{Вт}}{\text{м} \cdot ^\circ\text{C}}$.

6. Ташқи тусиқларнинг ички (R_{int}) ва ташқи (R_{ext}) юзалари иссиқлик ўзатиш термик қаршилиги, $\frac{M^2 \cdot ^\circ C}{Bm}$:

$$R_{int} = \frac{1}{\alpha_{int}}, \quad (1.34)$$

$$R_{ext} = \frac{1}{\alpha_{ext}}, \quad (1.35)$$

бу ерда α_{int} – ички юзанинг иссиқлик бериш коэффиценти, $\frac{Bm}{M^2 \cdot ^\circ C}$, жадвалдан олинади [1.11, 1.12-жадваллар];

α_{ext} – ташқи чегаравий тусиқ юзасининг иссиқлик бериш коэффиценти, $\frac{Bm}{M^2 \cdot ^\circ C}$, жадвалдан олинади [1.15, -жадвал].

7. Иссиқлик ҳимояли қатлам иссиқлик ўзатишининг талаб қилинган термик қаршилиги R_{reg}^{mu} , $\frac{M^2 \cdot ^\circ C}{Bm}$:

$$R_{reg}^{mu} = R_{reg} - [R_{int} + \Sigma R_i + R_{ext}] = R_{reg} - \left[\frac{1}{\alpha_{int}} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_{ext}} \right]. \quad (1.36)$$

8. Иссиқлик ҳимояли қатламнинг дастлабки қалинлиги $\delta_{предв}^{mu}$, M :

$$\delta_{предв}^{mu} = R_{reg}^{mu} \cdot \lambda^{mu}. \quad (1.37)$$

9. Олинган натижалар $\delta_{предв}^{mu}$ изоляция қатламининг қалинлиги:

- $\delta_{предв}^{mu} = 0,2m$ – енгил бетон қатлам учун;
- $\delta_{предв}^{mu} = 0,05m$ – минералли, стекловатали, пенопласт ва б. ли қатлам учун;
- $\delta_{предв}^{mu} = 0,02m$ – пенополистирол и пенополиуретанли қатлам учун.

10. Иссиқли изоляцияли қатлам термик қаршилигининг натижавий қиймати R^{mu} , $\frac{M^2 \cdot ^\circ C}{Bm}$:

$$R^{mu} = \frac{\delta_{крат}^{mu} \cdot n}{\lambda^{mu}} = \frac{\delta^{mu}}{\lambda^{mu}}, \quad (1.38)$$

бу ерда n – қатлам сони.

10. Ташқи чегаравий тусиқ қалинлиги ҳисоблаш орқали аниқланади $\delta_{но}$, M :

$$\delta_{no} = \delta_1 + \delta_2 + \delta_3 + \dots + \delta^{mu} + \delta_i . \quad (1.39)$$

11. Умумий иссиқлик ўзатиш қаршилиги $R_0, \frac{M^2 \cdot 0}{Bm} C$:

$$R_0 = R_{int} + \Sigma R_i + R_{ext} + R_{xk} , \quad (1.40)$$

бу ерда R_{xk} — ҳаво қатламининг термик қаршилиги, 1.11-жадвалдан олинади.

12. Чегараловчи тусиқнинг умумий иссиқлик ўзатиш қаршилиги R_0 рухсат этилган қийматдан кичик бўлмаслиги керак R_{reg} :

$$R_0 \geq R_{reg} . \quad (1.41)$$

13. Ташқи тусиқнинг иссиқлик ўзатиш коэффицентини аниқлаймиз $k, \frac{Bm}{M^2 \cdot 0} C$:

$$k = \frac{1}{R_0} . \quad (1.42)$$

Ҳисоблаш натижалари:

Ҳимоя қатлами қалинлиги δ^{mu} , м;

Ташқи тусиқ қалинлиги $\delta_{но}$, м;

Иссиқлик ўзатиш ҳисобий коэффиценти $k, \frac{Bm}{M^2 \cdot 0} C$

Кўп қатламли бир жинсли бўлмаган ташқи тусиқнинг иссиқлик-техник ҳисоби

Бино шифти k_{nm} ва девор қалинлиги δ_{nm} нинг иссиқлик ўзатиш коэффицентини аниқлаш учун формула оламиз.

Ҳимояловчи қатлам қалинлиги қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\delta_{ym}^{nm} = \lambda_{ym}^{nm} \cdot \left[R_{reg}^{nm} - \left(\frac{1}{\alpha_e} + \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_n} \right) \right] , \text{ м}, \quad (1.43)$$

бу ерда λ_{ym}^{nm} — химояловчи қатлам иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари, $\frac{Bm}{m \cdot ^0 C}$;

R_{reg}^{nm} — том тусиғининг иссиқлик ўтказиш қаршилиги, (1.31)

формуладан қабул қилинади, $\frac{m^2 \cdot ^0 C}{Bm}$;

$\frac{\delta_1}{\lambda_1} = R_1$ — ғоваксимон темирбетон плитанинг иссиқлик ўтказиш

қаршилиги, $\frac{m^2 \cdot ^0 C}{Bm}$; $\frac{\delta_2}{\lambda_2} = R_2$ — икки қаватли том тусиғининг иссиқлик ўзатиш

қаршилиги, $\frac{m^2 \cdot ^0 C}{Bm}$; $\frac{\delta_i}{\lambda_{2i}} = R_i$ — кўп қаватли том тусиғи иссиқлик ўзатиш

қаршилиги, $\frac{m^2 \cdot ^0 C}{Bm}$.

Ҳисоб ишларини соддалаштириш учун ғовак плита четидаги айланасимон тешикларни квадратларга алмаштириб (1.2-расм) майдон юзини ҳисоблаймиз, m^2 :

$$A_{экв} = \frac{\pi \cdot d^2}{4} = a^2, \quad (1.44)$$

бу ерда d — ғоваклик диаметри, m .


(1.44) тенламадан квадрат томони ҳисобланади:

$$a = \frac{d}{2} \cdot (\pi)^{1/2}, \text{ м.}$$

Чегаравий тусиғини мос равишда норматив усулда ҳисоблашда $R_{aT}/R_T < 1,25$ да келтирилган термик қаршилиги $R_k^r = R_{np} = R_2$ қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_k^r = (R_{aT} + 2 R_T) / 3, \quad (1.45)$$

бу ерда R_{aT} — 2а-расмдаги схемага мос равишда иссиқлик ўзатиш термик қаршилиги. R_T — 2б-расмдаги схемага мос равишда иссиқлик ўзатиш термик қаршилиги.



1.2-расм. Бино шифтига ўрнатилган ғоваксимон темирбетоннинг термик қаршилиги схемаси: а) қаршилиқни аниқлаш учун ҳисобланган схема R_{aT} ; б) қаршилиқни аниқлаш учун ҳисобланган схема R_T .

Параллел йўналишдаги иссиқлик оқими учун шартли тексилиқлар орасида икки конструкция оламиз: I ва II бир жинсли уч қатламли қаватлар орасидаги текислиқлар; II ва III текислиқлар орасидаги қатлам. Иссиқлик оқимини қабул қиладиган уч қаватли майдонни $A_1 = a \cdot 1$, m^2 орқали белгилаймиз. Иссиқлик оқимини қабул қиладиган бир қават конструкцияли майдон $A_2 = (\ell - a)1$, m^2 орқали белгиланади.

бу ерда ℓ – плиталар конструкцияси ўзунлиги, m .

Уч қаватли конструкциянинг (1.3-расм) термик қаршилиги R_{k1}^r , $\frac{m^2 \cdot 0 C}{Bm}$, қуйидаги формуладан аниқланади

$$R_{k1}^r = \frac{\delta_1}{\lambda_{жс} / б} + R_{al} + \frac{\delta_3}{\lambda_{жс} / б}, \quad (1.46)$$

бу ерда R_{al} – ҳаво қатламининг термик қаршилиги. $\delta_1 = \delta_3 = \frac{\delta_2 - a}{2}$ – бир жинсли темирбетон қатламнинг қалинлиги, m .


Бир қаватли конструкциянинг термик қаршилиги R_{k2}^r , $\frac{m^2 \cdot 0 C}{Bm}$, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_{k2}^r = \frac{\delta_2}{\lambda_2}. \quad (1.47)$$

Келтирилган иссиқлик ўзатиш қаршилиги R_{aT}^r , $\frac{m^2 \cdot 0 C}{Bm}$, барча чегараловчи тусиқлар учун қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_{aT} = \frac{A}{\sum_{i=1}^n \left(\frac{A_i}{R_{ki}^r} \right)}, \quad (1.48)$$

бу ерда A_i , R_{aT}^r – чегараловчи тусиқларнинг i -чи участка характерли қисмидаги мос равишда майдони, m^2 , ва унинг иссиқлик ўтказиш термик қаршилиги, $\frac{m^2 \cdot 0C}{Bm}$; A – умумий конструкция майдони аълоҳида участкалар майдони йиғиндисига тенг, m^2 .



1.3. Яшаш биноси ташқи девор конструкцияси.

1-цемент-қумли штукатурка, 2-газликкатли темир-бетон блок, 3-пенополистирол, 4-ғиштли устун.

IV ва V майдонлар перпендикуляр йўналишдаги иссиқлик оқими, шартли равишда бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган конструкцияларга бўлинади. Унда қидиралаётган термик қаршилик бир жинсли қатлам R_1 , R_3 ва бир жинсли бўлмаган R_2 қатламларнинг термик қаршилигининг йиғиндиси сифатида қаралади:

$$R_T = R_1 + R_2 + R_3. \quad (1.49)$$

Бир жинсли қатлам термик қаршилиги қуйидагича аниқланади:

$$R_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1}. \quad (1.50)$$

Бир жинсли бўлмаган қатламнинг термик қаршилиги:

$$R_2 = \frac{A}{\sum_{i=1}^n \frac{A_i}{R_i}}. \quad (1.51)$$

Бунда $R_{aT}/R_T < 1,25$ шартда текшириш бажарилиши зарур, кейин эса R_k^r аниқланади.

1.2.2. ИССИҚЛИКДАН ҲИМОЯ ҚАТЛАМЛИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОСИНИНГ САНИТАР-ГИГИЕНИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Иссиқлик ҳимояланган бинонинг санитар-гигиеник кўрсаткичларига қуйидагилар киради: чегравий тусиқлар ички юзасидаги ҳарорат ва намлик режимлари.

Ҳисобланган температуранинг тушиши Δt_o , °C, белгиланган интервал орасида t_{int} ва бино конструкцияси ички юзасидаги ҳарорат нормадаги ҳароратдан тушиб кетмаслиги керак ва унинг катталиги Δt_n , °C, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\Delta t_o = \frac{n \cdot (t_{int} - t_{ext})}{R_o \cdot \alpha_{int}}. \quad (1.52)$$

(1.53) шарт бажарилганда ташқи тусиқларнинг ички юзаларига сув буғининг конденсацияланмаслиги таъминланади:

$$\Delta t_o \geq \Delta t_n. \quad (1.53)$$

1.2.3. ТУРАР ЖОЙ БИНОСИНИНГ ИССИҚЛИК РЕЖИМИ ҲИСОБИ

Барча турдаги иситиладиган турар жой биноларининг иситиш тизимидаги иссиқлик қуввати ташқи тусиқлар орқали жами иссиқлик юқотилиш орқали аниқланади. Ташқи тусиқлар орқали иссиқлик юқотишни ҳисоблашда тусиқ конструкцияси иссиқлик ўтказиш қаршилиги қийматларидан фойдаланилади. Бинодаги йиғинди иссиқлик юқотиш Q , иситиш тизимини лойиҳалашда шартли равишда асосий ва қушимча иссиқлик юқотишларга бўлинади:

$$Q_{ном} = Q, Bm. \quad (1.54)$$

Асосий ва қушимча иссиқлик юқотиш аълоҳида бино конструкциялари орқали аниқланади Q, Bm , [10, 9 илова]:

$$Q = A(t_{int} - t_{ext})^5 (1 + \sum \beta) n / R_{o.np.}, Bm, \quad (1.55)$$

бу ерда A – бино чегараловчи конструкцияларининг ҳисобланган майдони, m^2 ;

t_{int} - 4 метрдан катта бўлган бинонинг ҳисобланган ҳаво ҳарорати;

t_{ext} – совуқ давр учун ҳисобланган ташқи ҳарорат;

β – бино чегараловчи конструкциялари орқали қушимча иссиқлик юқортиш;

$R_{o.np.}$ – бино чегараловчи конструкцияларининг иссиқлик ўтказиш умумий термик қаршилиги, $(m^2 \cdot ^\circ C) / Bm$.

Конструкциянинг иссиқлик ўзатиш қаршилиги (1.45) формуладан аниқланади. Бунинг учун гурунт жойлашишининг соддалаштирилган схемаси қулланилади. Пол ва девор юзи ҳар бирининг ораси 2 м дан бўлган параллел чизиклар билан ажратилган. Ҳар бир полоса I, II, III, IV зоналарга ажратилган. I зона девордан бошланса қолганлари полда давом этади (1.4-расм).


Агар пол ёки деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги $\lambda < 1,2 \text{ Вт}/(m \cdot ^\circ C)$ дан катта бўлса, иссиқликдан ҳимоланмаган деб аталади. Ҳар бир иссиқлик ҳимоясиз пол зоналари учун иссиқлик ўтказишнинг норматив қиймати кўрилган:

I зона – $R_{н.п.}^I = 2,1 m^2 \cdot ^\circ C / Bm$;

II зона – $R_{н.п.}^{II} = 4,3 m^2 \cdot ^\circ C / Bm$;

III зона – $R_{\text{н.п.}}^{\text{III}} = 8,6 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$;

IV зона – $R_{\text{н.п.}}^{\text{IV}} = 14,2 \text{ м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$.



1.4-расм. Пол юзасининг (а) ва ташқи девор қисмининг чуқурлаштирилган кўриниши (б) I – IV зоналар учун.

Агар пол ёки деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги $\lambda < 1,2 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$ дан кичик бўлса, иссиқликдан ҳимоланган деб аталади, унинг иссиқлик ўтказиш қаршилиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$R_{\text{у.п.}} = R_{\text{н.п.}} + \sum \frac{\delta_{\text{у.с.}}}{\lambda_{\text{у.с.}}}, \text{ ёки}$$

$$\begin{aligned} R_{\text{у.п.}}^{\text{I}} &= R_{\text{н.п.}}^{\text{I}} + \sum \frac{\delta_{\text{у.с.}}}{\lambda_{\text{у.с.}}}; & R_{\text{у.п.}}^{\text{II}} &= R_{\text{н.п.}}^{\text{II}} + \sum \frac{\delta_{\text{у.с.}}}{\lambda_{\text{у.с.}}}; & R_{\text{у.п.}}^{\text{III}} &= R_{\text{н.п.}}^{\text{III}} + \sum \frac{\delta_{\text{у.с.}}}{\lambda_{\text{у.с.}}}; & R_{\text{у.п.}}^{\text{IV}} \\ &= R_{\text{н.п.}}^{\text{IV}} + \sum \frac{\delta_{\text{у.с.}}}{\lambda_{\text{у.с.}}} \end{aligned}$$

$R_{\text{н.п.}}$ – кўрилган иссиқлик ҳимояли пол зонаси учун иссиқлик ўзатиш қаршилиги, $\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}/\text{Вт}$;

$\delta_{\text{у.с.}}$ — иссиқлик ҳимоя қатламининг қалинлиги, м;

$\lambda_{\text{у.с.}}$ — иссиқлик ҳимоя материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффиценти, $\text{Вт}/(\text{м} \cdot ^\circ\text{C})$.

2 - БОБ. БИНО ТАШҚИ ДЕВОРИГА ТУШАДИГАН ИССИҚЛИК ҲИСОБИ ВА ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

2.1. БИНО ТАШҚИ ДЕВОРЛАРНИ ИССИҚЛИК-ТЕХНИК ҲИСОБЛАШ

Берилган маълумотлар:

1. Бино қурилган ҳудуд – Қашқадарё вилояти ҳудуди

2. Бино характеристикаси:

2.1. Бино номи – якка тартибдаги яшаш биноси; бинонинг пландаги размери – 11,56 х 8,6 м, баландлиги – 4 м (2.1-расм).

2.2. Фасад йўналиши – жанубий йўналишда.

2.3. Қишки давр учун бино учун ҳисобланган маълумотлар 2.8-жадвалда қабул қилинган:

- ички ҳаво ҳарорати $t_{int}=22^{\circ}\text{C}$;

- нисбий намлик $\varphi_{int}=55\%$.

2.4. Ташқи деворнинг характеристикаси:

- 1-қават гипсли қоплама $\delta_1=0,03$ м; $\rho_1=1000$ кг/м³;

- 2-қават оддий цемент-қум аралашмали қизил ғишт $\delta_2=0,38$ м; $\rho_2=1800$ кг/м³;

-3-қават синтетик минерал қоплама $\rho_3=75$ кг/м³;

- 4-қават цемент-қумли аралашма $\delta_4=0,03$ м; $\rho_4=1800$ кг/м³.

3. Бино қурилган ҳудуд иқлимий характеристикаси [5]:

- энг совуқ беш кунлик асосида олинган ташқи ҳаво ҳарорати $t_{ext}^5 = -10^{\circ}\text{C}$ (қоплаш коэффиценти 0,92);

- иситиш даври давомийлиги $z_{ht}=150$ сутка, ва иситиш даври учун ўртача ташқи ҳаво ҳарорати $t_{ht}=0^{\circ}\text{C}$;


- совуқ ойнинг ўртача ҳарорати $t_{ext}^I = -3^{\circ}\text{C}$;

- совуқ ой учун ҳавонинг ўртача нисбий намлиги $\varphi_{ext}^I = 75, \%$;


- киш даври учун шамолнинг ўртача ҳисобланган тезлиги $v_{ext}=5,5$ м/с.

Ҳисоблаш:


1. Яшаш биноси намлик режими t_{int} ва φ_{int} ларга боғлиқ равишда – ўртача.



а)



б)



в)

2.1-рasm. Этажма – этаж план:

а-биринчи этаж схемаси, б-иккинчи этаж схемаси, в-цоколнинг схемаси

2. Эсплуатация шароитига боғлиқ равишда қурилиш материалларининг ва буюмларнинг иссиқлик техник кўрсаткичлари λ , s , μ :

1-қават гипсли қоплама:

$$\lambda_1 = 0,35 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)};$$

2-қават цемент-қум аралашмали оддий қизил ғишт:

$$\lambda_2 = 0,81 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)};$$

3-қават синтетикавий минерал қоплама:

$$\lambda_3 = 0,064 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)};$$

4-қават цемент-қумли аралашма:

$$\lambda_4 = 0,93 \text{ Вт/(м} \cdot \text{°C)}.$$

5. Иситиш даври давомидаги градус-суткалар катталиги Dd , $^{\circ}\text{C} \cdot \text{сут}$:

$$Dd = (22 - (-2,8)) \cdot 227 = 5629,6^{\circ}\text{C} \cdot \text{сут}.$$

6. Ташқи тусиқлар конструкцияси иссиқлик ўзатиш қаршилигининг нормал қиймати R_{reg} , $\frac{\text{м}^2 \cdot ^{\circ}\text{C}}{\text{Вт}}$:

$$R_{reg} = 0,0003 \cdot 5629,6 + 1,2 = 2,889.$$

7. Ташқи тусиқнинг ҳар бир қаватининг термик қаршилиги R_i , $\frac{\text{м}^2 \cdot ^{\circ}\text{C}}{\text{Вт}}$:

$$R_1 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} = \frac{0,03}{0,35} = 0,086 ;$$

$$R_2 = \frac{\delta_2}{\lambda_2} = \frac{0,38}{0,81} = 0,469 ;$$

$$R_4 = \frac{\delta_4}{\lambda_4} = \frac{0,03}{0,93} = 0,043 .$$

8. Ташқи тусиқнинг ички ва ташқи юзалари учун иссиқлик ўзатиш термик қаршилиги, $\frac{\text{м}^2 \cdot ^{\circ}\text{C}}{\text{Вт}}$:

$$R_{int} = \frac{1}{\alpha_{int}} = \frac{1}{8,7} = 0,115 ;$$

$$R_{ext} = \frac{1}{\alpha_{ext}} = \frac{1}{23} = 0,043 .$$

9. Иссиқликдан ҳимояловчи қатлам иссиқлик ўзатиш қаршилигининг талаб этилган қиймати R_{reg}^{mu} , $\frac{M^2 \cdot 0}{Bm} C$:

$$R_{reg}^{mu} = 2,889 - [0,115 + 0,086 + 0,469 + 0,032 + 0,043] = 2,144 .$$

10. Иссиқликдан ҳимояловчи қатламнинг дастлабки қалинлиги $\delta_{предс}^{mu}$, м:

$$\delta_{предс}^{mu} = R_{reg}^{mu} \cdot \lambda^{mu} = 2,144 \cdot 0,064 = 0,137 \text{ м} .$$

11. Иссиқликдан ҳимояловчи қатламнинг натижавий термик қаршилиги R^{mu} , $\frac{M^2 \cdot 0}{Bm} C$:

$$R^{mu} = \frac{0,15}{0,064} = 2,344 .$$

12. Ташқи тусиқнинг ҳисобланган қалинлиги $\delta_{но}$, м:

$$\delta_{но} = 0,03 + 0,38 + 0,15 + 0,03 = 0,59 \text{ м} .$$

13. Иссиқлик ўзатишининг умумий қаршилиги R_0 , $\frac{M^2 \cdot 0}{Bm} C$:

$$R_0 = 0,115 + 0,086 + 0,469 + 2,344 + 0,032 = 3,089 .$$

14. Бино конструкциясининг умумий иссиқлик ўзатиш қаршилиги R_0 талаб этилган қийматдан кам бўлмаслиги керак R_{reg} :

$$R_0 \geq R_{reg} ,$$

$$3,089 \geq 2,889 ,$$

Шарт бажарилди, демак келтирилган иссиқлик ҳимоя қатлами барча турдаги конструкцияли бинолар ташқи деворлари учун қулланилганда иссиқлик ва энергия тежаш имкониятини берар экан.

15. Ташқи тусиқлар иссиқлик ўзатиш коэффициенти $k_{нс}$, $\frac{Bm}{M^2 \cdot 0 C}$:

$$k = \frac{1}{R_0} = \frac{1}{3,089} = 0,324 .$$

Хулоса: Ҳисоблаш натижалари:

Иссиқликдан ҳимояловчи қатлам қалинлиги $\delta_{нс}^{mu} = 0,15 \text{ м}$;

Ташқи тусиқ қалинлиги $\delta_{нс} = 0,59 \text{ м}$;

Иссиқлик ўзатишининг ҳисобланган коэффициенти $k_{нс} = 0,324 \frac{Bm}{M^2 \cdot 0 C}$.

2.2. БИНО ТОМИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИССИҚЛИК-ТЕХНИК ХИСОБЛАШ

Берилган маълумотлар – 2.1-пунктда келтирилган.

Том ёпқич потолок конструкцияси:

-1-қават цемент-қумли аралашма $\delta_1=0,03$ м, $\rho_1=1800$ кг/м³;

-2-қават темирбетон айланасимон ғовакли плита $\delta_2=0,22$ м; $\rho_2=2500$ кг/м³;

-3-қават қаттиқ, синтетик аралашган, минераловатали плита, $\rho_3=200$ кг/м³.

Хисоблаш:

Бажариладиган ҳисоб томнинг устки қисмининг иссиқлик ўзатиш коэффициентини аниқлаш учун k_{nm} ва унинг қалинлигини δ_{nm} , м. аниқлаш учун бажарилади. Энергиятежамкорлик талабларига жавоб берадиган нормал иссиқлик ўзатиш қийматини аниқлаймиз $R_{reg}, \frac{m^2 \cdot ^\circ C}{Bm}$:

$$R_{reg} = 0,00035 \cdot 5629,6 + 1,3 = 3,27 .$$

Том ёпишда ишлатиладиган қурилиш материалларининг ва ишлатиладиган буюмларнинг иссиқлик техник кўрсаткичларини аниқлаймиз:

$$\lambda_1=0,93 \text{ Bm}/(m \cdot ^\circ C);$$

$$\lambda_2=2,04 \text{ Bm}/(m \cdot ^\circ C);$$

$$\lambda_3=0,08 \text{ Bm}/(m \cdot ^\circ C).$$

Ҳар бир ташқи тусиқнинг термик қаршилигини аниқлаймиз $R_i, \frac{m^2 \cdot ^\circ C}{Bm}$:

$$\frac{\delta_1}{\lambda_1} = R_1 = \frac{0,03}{0,93} = 0,032 \text{ — биринчи қаватнинг иссиқлик ўзатиш қаршилиги,}$$

$$\frac{m^2 \cdot ^\circ C}{Bm} ;$$

$$\frac{\delta_2}{\lambda_2} = R_2 \text{ — темирбетон плитанинг иссиқлик ўзатиш қаршилиги, } \frac{m^2 \cdot ^\circ C}{Bm} .$$

Том ёпқич конструкциясига кирувчи темирбетон плита бир жинсли ҳисобланмайди. Ҳисоблаш ишларини соддалаштириш мақсадида плита четидаги доирасимон тешикларни квадратларга алмаштирамиз:

$$A_{\text{экв}} = \frac{\pi \cdot d^2}{4} = a^2,$$

бу ерда d – ғоваклик тешиги диаметри, м.

томонлардаги квадрат қуйидагига тенг бўлади

$$a = \frac{d}{2} \cdot (\pi)^{0,5}, \text{ м},$$

$$a = \frac{0,16}{2} \cdot (3,14)^{0,5} = 0,142 \text{ м}.$$

Норматив усулга мос равишда $R_{aT}/R_T < 1,25$ бўйича ҳисоблашда келтирилган термик қаршилиқ $R_k^r = R_{np} = R_2$ ўровчи тусиқлар конструкцисини учун қуйидаги формула билан аниқланади:

$$R_k^r = (R_{aT} + 2R_T) / 3,$$

